

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ СУННАТУЛЛА САТОРОВИЧ

ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ ЙИРИНГЛИ СЕПТИК
АСОРАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЯКУНИ
ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ

14.00.27 - Хирургия
14.00.36 - Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафаров Суннатулла Саторович

Жигар эхинококкози йирингли септик асоратларининг профилактикаси ва якуни истиқболлини белгилашнинг клиник-иммунологик жиҳатлари..... 3

Сафаров Суннатулла Саторович

Клинико-иммунологические аспекты профилактики и определения прогноза гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени..... 34

Safarov Sunnatulla Satorovich

Clinical and immunological aspects of prevention and determination of prognosis of purulent-septic complications of liver echinococcosis 65

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 72

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САФАРОВ СУННАТУЛЛА САТОРОВИЧ

ЖИГАР ЭХИНОКОККОЗИ ЙИРИНГЛИ СЕПТИК
АСОРАТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЯКУНИ
ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ

14.00.27 - Хирургия
14.00.36 - Аллергология ва иммунология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.DSc/Tib1003 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдурахманов Мамур Мустафаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбаниязов Зафаржон
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Глабай Владимир Петрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Татаурщикова Наталья Станиславовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Доғистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ кuni соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75.)

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В.Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б.Қурбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Эхинококкоз паразитар касаллик бўлиб, нафақат тиббиётда, балки ҳалқ хўжалиги тизимида ҳам жиддий муаммо ҳисобланади. Эхинококкозни долзарблигини белгилаб берувчи хос белгиси беморлар сонини катталиги ва эндемик туманлар пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда дунёни кўплаб мамлакатларида унинг муаммо сифатида тан олиними бўлди. Бизни давлатимиз ҳудудлари ҳам бундан истисно эмас, айниқса, чорвачилик ривожланган ҳудудлар. Маълумки, эхинококк инсонда жигар, ўпка, қорин ва қорин орти бўшлиғи аъзоларини зарарлайди. Бугунги кунда «...эхинококкозни даволашнинг жарроҳлик услублари ягона ишончли ҳисобланади...»¹.

Ушбу баёнот бир қатор халқаро симпозиумлар ва конференцияларнинг қарорларида бир неча бор акс этган. Ҳолбуки, операция натижаларини ҳар доим ҳам ижобий натижа беради деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жарроҳликдан кейинги асоратлар фоизи ҳали ҳам юқори бўлиб қолмоқда, уларнинг катта қисми йирингли-септик асоратларга тўғри келади-32,8%. Турли адабиётларда келтирилган статистик маълумотларга кўра, қолдик бўшлиғининг йиринглаши, қон кетиши, оқмалар пайдо бўлиши, касалликнинг қайталаниши каби бундай асоратларнинг ривожланиш частотаси юқорилиги ҳақидаги маълумотларни ташкил қилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар орасида касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг асоратлари частотасини камайтириш ва профилактикасига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабатдан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясининг 7 устувор йўналишларини 56-мақсад 4 бўлимида «... соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш дастурини 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгилаб олинган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинган. Жигар эхинококкози беморларининг даволаш натижаларининг яхшиланиши йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш усулларининг оптимизациясига асосланган.

Мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада Ўзбекистон Республкаси Президентининг 12 ноябр 2020 йилдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириши чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026

¹ З.А.Азиззода, К.М.Курбонов, К.Р.Рузибойзода [ва ҳаммуал.]. Жигарнинг мураккаб эхинококкозини ташхислашда лаборатория кўрсаткичларининг аҳамияти // Авиценна хабарномаси. – 2019. – Т.21, №4. – 655-660 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида” Фармони, 2020 йил 12 ноябридаги ПФ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга оширилишига хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур иш Ўзбекистон Республикаси VI "Тиббиёт ва фармакология" фани ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олишни клиник-иммунологик жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар куйидаги келтирилган дунёни етакчи илмий марказлари ва ўқув муассасаларида бажариб келинмоқда, жумладан, National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (АҚШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Голландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Буюк Британия), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); Вишневский номидаги ФДБМ МТТМ (Россия Федерацияси); В. Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий маркази; Бухоро давлат тиббиёт институти; Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёни ривожланган мамлакатларининг илмий-тадқиқот маълумотлари бўйича ўтказилган таҳлили мазкур муаммонинг долзарблиги ва иқтисодий аҳамиятининг юқори даражасини намоён қилди.

Касалликнинг, айниқса, меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида юқори тарқалганлиги, жарроҳликдан кейинги асоратларни юқори частотаси жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини даволаш муаммосининг долзарблиги ва аҳамияти ҳақида гувоҳлик қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эхинококкоз йирингли-септик асоратларини ривожланиши ва эхинококкэктомия оператив даволаш давомийлигининг ортиши, ногиронлик ва ўлим ҳолати частотасининг ўсишига олиб келиб, кўрсаткичлар 7,2-10,8% оралиғида ўзгариб туради (Н.Б.Касыев ва ҳаммуал., 2021). Шу муносабатдан ўпка ва жигар эхинококкози жарроҳликдаги асоратларининг башоратланиши ва профилактикаси ҳозиргача ечими топилмаган ва долзарб ҳисобланади.

Маълумки, эхинококк оралик “хўжайин” сифатидаги инсон организмда

ривожланиб, иммун тизимига аниқ таъсир кўрсатади (А.И.Мусаев ва хаммуал., 2018). Бу ўзгаришларнинг механизми бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаган. Организмнинг эхинококк инвазиясига нисбий иммун жавоб реакцияси борасидаги кўплаб маълумотлар турлича талқин қилинган, баъзида бир бирига зид фикрлар келтирилган. Эхинококк инсон организмига тушиб уни стимуллайди деган фикрлар ҳам учраб туради. Бу бир қатор гуморал ва хужайравий реакцияларнинг ривожланиши билан намоён бўлади. Шу билан бирга, иммунитетни нисбатан сусайтириш ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Бу назария тарафдорлари фикрига кўра, ўз антигенларига қарши (гомологик иммундепрессияси), ҳамда бошқа агентларни инфекцияловчи антигенларига қарши (гетерологик иммундепрессия) ҳимоя механизмларининг сусайишини аниқлаганлар (М.Ж.Алиев ва хаммуал., 2021).

Адабиётларда эхинококкоз беморларининг иммунологик мақомини дастлабки ўзгаришларининг йирингли-септик асоратлар ривожланиши частотасига ва жарроҳликдан кейинги даврда иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасига таъсири ҳақида маълумотлар мавжуд эмас.

Жигар эхинококкози жарроҳлигида амалиётдан кейинги йирингли-септик асоратлар ўта оғир бўлиши билан фарқланади, уларнинг олдини олишни мавжуд услубларини самараси паст. Эҳтимолий йирингли-септик асоратларнинг ривожланишини башоратлашни мавжуд услубларини баҳолаш ва янгиларини ишлаб чиқиш инсон ички аъзолари эхинококкози бўлган беморларини даволаш натижаларини яхшилаши мумкин бўларди. Юқорида келтирилган маълумотлар мазкур ишнинг асосий йўналишини белгилаб берган (Г.Д.Одишелашвили ва хаммуал., 2020).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти ни илмий-тадқиқот режалари доирасида (B2024.1.DSc/Tib.1003) “COVID-19 кейинги даврда Бухоро вилояти ҳудуди аҳолисининг саломатлигига таъсир қилувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш ва олдини олиш бўйича янги услубларни ишлаб чиқиш” (2022-2026 йй) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жигар эхинококкози касаллигида йирингли-септик асоратларни ривожланишини башоратлаш ва олдини олишда иммунпатогенетик жиҳатларни ўрнини аниқлаш орқали беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жигар эхинококкозини даволашнинг анъанавий усулларини қўллашдаги натижалар самарадорлигини ретроспектив таҳлил қилиш.

назорат гуруҳи беморларида жигар гидатидоз эхинококкознинг клиник-лаборатор, биокимёвий ва бирламчи иммунологик аломатлари хусусиятларини аниқлаш.

жигар гидатидоз эхинококкозини турли экспериментал моделларида хужайравий ва гуморал иммунитет ўзгаришларининг хусусиятларини

аниқлаш.

жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлашда ҳужайравий ва гуморал иммунитетни клиник-экспериментал асосларини тақдим қилиш.

жигар эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини олдини олиш услубларини танлашда клиник-иммунологик асосни тақдим қилиш.

жигар эхинококкозининг турли шаклларида йирингли-септик асоратларни башоратлаш ва олдини олишнинг дифференциалланган алгоритмларини ишлаб чиқиш.

жигар эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган клиник-иммунологик услубларни қўллаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот учун материал сифатида жигар эхинококкози билан касалланган 594 нафар бемор ва 45 та зотсиз қуёнларни комплекс текшируви ва даволаш бўйича маълумотлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети: беморлар ва тажриба ҳайвонларини умумий ва маҳаллий клиник мақоми, қонни клиник-лаборатор кўрсаткичлари, ҳужайравий ва гуморал иммунитетнинг бирламчи ва чуқурлаштирилган кўрсаткичлари, ташхислашни визуал услублари маълумотлари.

Тадқиқотнинг услублари. Иш давомида тадқиқотнинг клиник, иммунологик, биокимёвий, морфологик, ултратовуш, рентгенологик, таҳлилий ва статистик услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда иборат:

жигар эхинококкозини ташхислаш ва даволашнинг замонавий услубларининг қўлланилишига қарамай, бугунги кунга қадар, беморларни даволаш натижалари қониқарли эмаслиги исботланган, бу ҳолат касаллик қайтарилиши ва қайта жарроҳлик аралашувларини қўллашни юқори даражаси сақланиб туришига асосланган.

илк бор, жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини шакллантиришда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессияси рўй бериши аниқланган, жигарнинг ҳимоявий қатламини шакллантириш учун, у организмни ҳимоя реакциясини ўзига хос иммун жавобга трансформацияланиши ҳамда носпецифик бўлган бактериал инфекция кўшилган шароитларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет орасидаги тандем алоқа йўқолиб, бу купинча хемокинлар ҳисобига рўй бериши, цитокинлар эса организмнинг жавоб реакциясини белгилаб иммунологик супрессивлик ривожланиши исботланган.

илк бор, жигар гидатидоз эхинококкозида ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланган (компенсацияланган, субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган).

жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратланган ва асоратланмаган такомиллаштирилган экспериментал моделлари шакллантирилиб, эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги

услуги ишлаб чиқилган, мазкур услуб иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлаш имконини берган.

жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилиб, улар иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислашга асосланган ҳамда иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўз ичига қамраб олган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйида келтирилган:

Бухоро ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг шахсий клиник материали асосида жигар гидатидоз эхинококкозини даволашни анъанавий услубларининг самарадорлигини баҳолаш бажарилган. Бу ўз навбатида йирингли-септик асоратларнинг ривожланиши, ўлим ҳолати ва касалланиш қайталанганининг сабабларини аниқлашга ёрдам берди, буларнинг ҳаммасини асосини иммунологик супрессивлиги ривожланишини башоратлашнинг мезонлари об'ективизациясида йўл қўйилган хатоликлар ташкил қилган.

Жигар гидатидоз эхинококкози бўлган беморларда иммунологик супрессивлик даражасини ташхислаш учун ишлаб чиқилган прогностик ва ташхислаш дастурлари, иммунологик коррекция ва ўрин босувчи терапия усуллари танловининг қўлланилиши даволашдан ижобий натижаларни кўпайтириш, даволашдан самарасиз натижалар частотаси ва ўлим ҳолатини камайтириш имконини берган. Йирингли-септик асоратлар ривожланишини башоратлаш, ўз вақтида иммункоррекциялаш ва ўрин босувчи терапияни қўллаш, пировардида, узоқ муддатли даврда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва меҳнатга лаёқатлилиқни аввалроқ тиклашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий бир бирини тўлдирувчи умумклиник, клиник-лабораториявий, иммунологик, биокимёвий, функционал ва статистик услубларнинг қўлланилиши билан, шунингдек, текширилган беморлар ва тажрибавий лаборотор ҳайвонларнинг етарли миқдори, иммунологик супрессивликни даволаш-ташхислаш ва башоратлаш мезонларини такомиллашиши, статистик таҳлил услублари тўплами, ҳамда уларнинг муносиб қўлланилиши билан тасдиқланган. Ҳотима ва олинган натижалар ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти жигар гидатидоз эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини башоратлаш бўйича ишланган услублар организм иммунологик супрессивлиги даражасини ташхислаш ва иммункоррекцияни қўллаш натижалари орқали, иммун тизимини асосий кўрсаткичлари, тадқиқотнинг визуал услублари маълумотларига кўра, паразитар ўсмани ривожланиш босқичини синчиклаб танлаб олиш орқали ихтисослаштирилмаган кўп тармоқли даволаш муассасалари шароитларида даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларининг яхшиланишига, ўлим ҳолатининг пасайиши ва беморлар ҳаёт сифатининг ишончли ошишига имкон берган.

Жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини

шакллантиришда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессияси рўй бериши аниқланган, организмни иммун жавоби трансформацияланиши купинча хемокинлар ҳисобига рўй бериши, цитокинлар эса организмнинг жавоб реакциясини белгилаб иммунологик супрессивлик ривожланиши исботланганлигини инобатга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 йил 25 июндаги 01/11 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: Жигар эхинококкозини ташхислаш ва даволашнинг замонавий услубларининг қўлланилишига қарамай, бугунги кунга қадар, беморларни даволаш натижалари қониқарли эмаслиги исботланиб, бу ҳолат касаллик қайтарилиши ва қайта жарроҳлик аралашувларини қўллашни юқори даражаси сақланиб туришида асосланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: касаллик қайтарилиши ва қайта жарроҳлик аралашувларини қўллашни юқори даражасида сақланиб қолаётганлигини инобатга олиниши даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқишига замин яратиб, натижада кузатилиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ҳамда шифо жараёнини тезлаштиради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарьё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (28.03.2024 й.; № 60-І/СН), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 30) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 63) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касаллик қайтарилиши ва қайта жарроҳлик аралашувларини қўллашни юқори даражасида сақланиб қолаётганлигини инобатга олиниши даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиши касаллик асоратларини камайтириб, беморларни даволаш сифатини яхшилайдди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қуйидагилардан иборат: касаллик қайталанишини ва асоратлар ривожланишини инобатга олиниб даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларга сарфланадиган харажатларини 1 800 000 сўмга камайтиришга эришилди.

Хулоса: Жигар эхинококкозини даволашда замонавий технологияларидан фойдаланиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 800 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 450 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: Илк бор, жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини шакллантиришда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессияси рўй бериши аниқланган, жигарнинг химоявий қатламини шакллантириш учун, у

организмни химоя реакциясини ўзига хос иммун жавобга трансформацияланиши ҳамда носпецифик бўлган бактериал инфекция кўшилган шароитларда хужайравий ва гуморал иммунитет орасидаги тандем алоқа йўқолиб, бу купинча хемокинлар ҳисобига рўй бериши, цитокинлар эса организмнинг жавоб реакциясини белгилаб иммунологик супрессивлик ривожланиши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини шакллантиришда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессияси рўй бериши аниқланиб, организмни иммун жавоби трансформацияланиши купинча хемокинлар ҳисобига рўй бериши, цитокинлар эса организмнинг жавоб реакциясини белгилаб иммунологик супрессивлик ривожланиши исботланганлигини инобатга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарьё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (28.03.2024 й.; № 60-І/СН), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 30) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 63) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини шакллантиришда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессияси рўй беришини инобатга олиниши, даволаш чора тадбирларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритилишига замин яратиб ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: жигар гидатидоз эхинококкозида иммунологик ҳолатдаги ривожланадиган ўзгаришларни ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга имкон бериши исботланганлиги: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 3 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 636 000 сўмга камайтирган (Қашқадарьё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 212 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 75 000) сўм дори воситалари сарфланади); *Хулоса:* жигар гидатидоз эхинококкозида иммунологик ҳолатдаги ривожланадиган ўзгаришларни ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга ҳамда даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: Илк бор, жигар гидатидоз эхинококкозда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланган (компенсацияланган, субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган). *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жигар гидатидоз эхинококкозда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб

реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланганлигини инобатга олиниши, беморларни даволаш режасига ўзгартиришлар киритилиши имкони беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарьё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (28.03.2024 й.; № 60-И/СН), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 30) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 63) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: жигар гидатидоз эхинококкозда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланганлигини инобатга олиниши ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини белгилашга имкон бериши исботланган, бу ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтириш ҳисобига ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: жигар гидатидоз эхинококкозда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланганлигини инобатга олиниши ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини белгилашга имкон бериши исботланганлиги: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 636 000 сўмга камайтирган шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 75 000 сўм дори воситалари сарфланади); *Хулоса:* жигар гидатидоз эхинококкозда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро мутаносиблиги асосланган, у иммунологик компетенциянинг жавоб реакциясини кўп йўқотишлари билан ривожланишнинг 3 та босқичида намоён бўлиши аниқланганлигини инобатга олиниши ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини белгилашга имкон бериши исботланган, бу ўз навбатида ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, касаллик асоратларини камайтириш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: *Илмий янгиликнинг моҳияти:* Жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратли ва асоратсиз такомиллаштирилган экспериментал моделлари шакллантирилиб, эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги услуби ишлаб чиқилиб, услуб иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратли ва асоратсиз такомиллаштирилган экспериментал моделлари шакллантирилиб, эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги услуби ишлаб чиқилиб, услуб

иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлаш имконини берганлиги ўз навбатида, асоратлар ривожланиши омилини камайтириб, шифо жараёнини тезлаштириб, ётоқ кунини қисқартирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши* Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (28.03.2024 й.; № 60-І/СН), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 30) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 63) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратли ва асоратсиз такомиллаштирилган экспериментал моделлари шакллантирилиб, эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги услуби ишлаб чиқилиб, услуб иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлаш имконини берганлиги, ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратли ва асоратсиз такомиллаштирилган экспериментал моделлари шакллантирилиб, эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги услуби ишлаб чиқилиб, услуб иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлаш имконини берганлиги, ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳисобига беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,0 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 636 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* эхинококкознинг йирингли-септик асоратларини башоратлашнинг янги услуби иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислаш, даволаш ўтказиш тактикаси ва шартлари, динамик назоратни шартлари ва хронологиясини танлашни шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 636 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

бешинчи илмий янгилик: Жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмлари ишлаб чиқилиб, улар иммунологик супрессивликнинг даражасини ташхислашга асосланган ҳамда иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўз ичига қамраб олган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмларидан фойдаланиб иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўтказилиши, асоратлар ривожланиши омилини камайтириб, шифо жараёнини тезлаштириб, ётоқ кунини қисқартирган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши Олинган илмий-амалий маълумотлар Қашқадарьё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (28.03.2024 й.; № 60-И/СН), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 30) ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича буйруқ (05.04.2024 й.; № 63) билан амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмларидан фойдаланиб иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўтказилиши, ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: Жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмларидан фойдаланиб иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўтказилиши, ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳисобига беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,0 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 636 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* Жигар гидатидоз эхинококкозини турли шакллари бўлган беморларни комплекс даволашнинг янги даволаш-ташхислаш алгоритмларидан фойдаланиб иммунокоррекция ва ўрин босувчи иммун терапияни ўтказилишини шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 636 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 225 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 24 илмий иш чоп этилган, улардан 11 журналда мақолалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда – 7 та республика ва 4 та ҳориж журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 8 та боб, хотима, хулоса ва амалий тавсиялар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, ҳамда тадқиқот объекти ва предмети асослаб берилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишии устувор йўналишларига мувофиқлиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жигар эхинококкозининг йиринги-септик асоратларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида жигар эхинококкозини этиологияси, патогенези ва эпидемиологиясида ҳали ечими топилмаган масалаларга нисбатан адабиётдаги маълумотлар шарҳи келтирилган. Жигар гидатидоз эхинококкозини даволашни замонавий услублари таърифланган. Жигар эхинококкозининг ривожланишидаги иммунологик жиҳатлари бўйича маълумотлар, шунингдек, жигар гидатидоз эхинококкози асоратлари ва организмнинг иммун реакцияси билан алоқаси келтирилган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усулларига бағишланган бўлиб, бу ерда клиник ва тажрибавий материаллар, ҳамда тадқиқот усулларига умумий тавсифи берилган.

Диссертация иши клиник қисми ва тажрибавий қисмлардан иборат. Клиник материал Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказларида 2010 йилдан 2023 йилгача даволашниш ва текширувда бўлган, жигар гидатидоз эхинококкози мавжуд 594 нафар бемордан иборат бўлди. Тажрибавий тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти виварийси шароитидаги зотсиз лаборатория куёнлари иштирокида амалга оширилди. Жами 1,5-2,0 килограмм вазнли, иккала жинсга мансуб, касалликни ташқи аломатлари бўлмаган 45 та ҳайвон ишлатилган.

Ўтказилаётган тадқиқотга беморларнинг киритилиш мезонлари стандарт бўлган, ва **“Клиник тадқиқотларни амалга ошириш қоидалари ҳақида”** ахлоқий кенгаш низомлари талабларига жавоб берган.

Тадқиқотда қуйидаги мезонларга жавоб берадиган беморлар киритилган:

- 1) Тадқиқот ўтказилишига беморнинг ёзма розилиги.
- 2) Бемор ёши 18 ёшдан катта ва 75 ёшдан катта бўлмаслиги керак.

Тадқиқотдан қуйидаги кўрсаткичлар мезонларга мос келмаган беморлар чиқариб юбоирлган:

- 1) Беморда оғир ёндош (соматик) касаллиги ривожланишини ўткир даври бўлиши.

- 2) Беморни ёши 18 дан ёш ва 75 ёшдан катта бўлмаган.

Беморларни жинси ва ёшига кўра тақсимланиши 51-60 ёшгача бўлган аёлларни устувор миқдорини намоён қилди (60,6%).

Жигар гидатидоз эхинококкозини бирламчи ҳолати бўлган беморлар миқдори юқори экани маълум бўлди. Иккинчи ўринни жигар гидатидоз эхинококкозининг қайталанувчи шакли эгаллаган, улар орасида кўп сонли шакллари устувор миқдорда бўлиб, улар солитар шакллардан 1,5 баробарга ортиқ бўлган. 71 ҳолатда (12,0%) жигар гидатидоз эхинококкозининг

резидуал шакллари ташхисланган, улар солитар, ҳамда кўпсонли шакллари билан деярли бир хил миқдорда аниқланган. Улар орасидаги фарқ жигарни кўпсонли паразитар кисталарини 1,2 мартага кўп бўлиши билан намоён бўлди.

36,1% ҳолатда жигар гидатидоз эхинококкозида паразит тирик бўлган, 27,6% ҳолатда эса ўлик бўлган. Касалликнинг асоратли шакллари (кистани йиринглаши; жигар гидатидоз эхинококкозини йиринглаши, жигар ички ўт йўлларига йиринг қопининг ёрилиши, холангит ва механик сариқ касаллигини ривожланиши; паразитар кистани йиринглаши ва плеврал бўшлиқ ва кейин ўринда бронхиад дарахтга ёрилиши; йирингли эндобронхит ривожланиши; жигар эхинококк кистасининг бўш қорин бўшлиғига перфорацияси ва перитонит ривожланиши) 36,3% ҳолатда аниқланган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун тадқиқотнинг умумий тажрибавий қисми тажрибаларни 3 босқичга тақсимланди:

Назорат серияси – 10 та интакт ҳайвондан иборат бўлиб, улардан қон олинишидан ташқари, бирор бир ташқи таъсирлар кўрсатилмади.

Асосий серияси – 10 та ҳайвондан иборат бўлди, улар патологик жараённинг моделлаш хронологиясини аниқлаш учун 3 таркибий қисмга ажратилди (ўлим, нотўғри муолажа, моделни ишлаши йўқлиги ҳолати ва ҳ). Бу қисмга қўшимча ҳайвонлар киритиб турилган. Диссертация ишида ҳайвонларни асосий серияси асосий-1, асосий-2 ва асосий-3 каби учта белги билан белгиланган, негаки патологик жараённинг динамикадаги трансформацияси ўтказилган.

Патологик жараёнларнинг моделланиш жараёни хронологик кетма кетликда келадиган бир нечта босқичлар туфайли мураккаб бўлган. Биринчи босқичда асосий мақсад жигар гидатидоз эхинококкини моделлаш бўлган. Бунинг учун ҳайвонлар эфир наркози билан анестези берилган. Ўнг қовурға остида 5 см лик эгри кесилган. Ҳайвон жигари очилиб, аъзони дистал йўналишда максимал тортиш учун шароит яратилган. Жигар диафрагмал юзаси визуал баҳоланган, бунда аъзони боғловчи элементлари сақланган. Аъзони диафрагмал юзасидан узунлиги 1,0 см ва чуқурлиги 0,5 см лик аъзо тўқимаси электрокоагулятор ёрдамида кесиб олинган ва 0,5x0,5 см лик ўйиксимон нуқсон ҳосил қилинган. Жигарни тасмасини олиб ташлагач, яранинг юзаси яхшилаб коагуляцияланди, ва мутлақ гемостаз ва холестазга эришилди. Ҳосил қилинган бўшлиққа эхинококк кистасини қўшма пуфаги туширилди. Сўнг, шикастламайдиган ип билан жигар ва диафрагма яралари чеккалари орасига маҳкамловчи 2-4 чок қўйилади. Патологик жараённи моделлашни яқунловчи босқичи жигарни ҳосил қилинган яраси микроирригатор билан дренажланади, унинг бўш учи ҳайвон териси остига чиқарилиб маҳкамланади. Патологик жараён ҳосил қилинганида 20-кундан бошлаб, ва кейинги 80 кун давомида, мазкур серия ҳайвонлари билан асосий-1 деб белгиланган тадқиқот олиб борилди. Патологик жараён ривожланишининг яна бир оyi ўтгач, аввал ўрнатилган микроирригаторга ҳайвон аутокалини 30% ли аралашмаси 1 мл/кг дозасида юборилди. Кейинги 14 кун давомида жига гидатидоз эхинококкозини йирингли-яллиғланишли

асоратини клиник манзараси кузатилди. Бу хайвонларни барчаси асосий-2 гуруҳига шакллантирилди. Асосий-1 хайвонларида тадқиқотлар 20, 60, 80 кунда бажарилган, асосий-2 серияси хайвонларида эса – касаллик ривожланишининг 3, 7 ва 14 кунда бажарилган.

Қиёсий серия – камида 10 та куёндан иборат бўлиб, патологик жараён трансформацияси бўлган икки гуруҳдан ташкил топган. Мазкур серияда жигар гидатидоз эхинококкини (асосий-1 серияси) ва йирингли-яллиғланиш жараёни (қиёсий-2 серия) ҳосил қилишнинг ҳамма босқичлари бажарилган, лекин паразитар киста имплантацияс қилинмаган.

Тадқиқот давомида хайвонда ўлим ҳолати юз берганида ёки морфологик тадқиқотларни ўтказиш вақти келганида белгиланган тартибда хайвон сўйилган.

Ишда Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтини Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилган клиник, иммунологик, биокимёвий, морфологик, ултратовуш, рентгенологик, таҳлилий ва статистик тадқиқот услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг барча услублари стандарт ва махсус (иммунологик) турларига ажратилган. Латекс аглютинацияси реакцияси, билвосита гемааглютинацияси, иммунфермент таҳлили услуби, қон умумий таҳлиллари, қон биокимёвий таҳлили (умумий оқсил ва унинг фракциялари – албуминлар ва глобулинлар, уларни субфракцияларга жартиш; умумий билирубин ва унинг тўғри фракцияси; АсАт ва АлАт фаоллиги, тимол намунаси, карбамид ва креатинин), яллиғланиш маркерлари (С-реактив оқсил ва прокалцитонин, интоксикациянинг лейкоцитар индекси), ултратовуш ташхиси, мултиспирал компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси бажарилган.

Назорат гуруҳи беморларида ўтказилган тадқиқотларнинг махсус ёки иммунологик услублари периферик қонда лимфоцитлар аниқлаш, Т-хелпер/индукторларни аниқлаш (CD4+ Т-лимфоцитлар), Т-супрессорлар/киллерлар (CD8+ Т-лимфоцитлар), зардоб иммуноглобулинлари IgA, IgM, IgG, айланувчи иммун комплексларни қамраб олган.

Асосий гуруҳ беморлари ва тажрибавий хайвонларда организмни иммунологик мақомини ўрганиш ишлари кенгроқ шаклда амалга оширилган. Асосий гуруҳ беморларида улар илк келган куни ва кейинги ўринда 14,30 ва 60 кунга келиб, қон олинган, сўнг эса 6 ой ва 1 йил ўтиб олинган, бу ҳолат ўтказилган даволашни узоқ муддатли натижаларини баҳолаш мақсадида бажарилган. Биз томонимиздан ўтказилган тест услубларини прогностик самарадорлиги ва сезувчанлигини таққослаш мақсадида, тадқиқотларга ихтиёрий равишда, тиббиёт комиссияси томонидан соғлом шахс деб тан олинган 10 нафар кўнгиллилар жалб қилинган.

Тадқиқотлар ҳажми куйидагилардан иборат бўлди: цитокинларни пг/мл да (IL-8, IL-9, IL-10, IFN- γ , IL-12 и TNF- α) ва хемокинларни пг/мл да (CCL13, CCL17, CCL18, CCL20, CCL22) миқдорини аниқлаш, хужайравий иммунитет

кўрсаткичларининг миқдорини аниқлаш (CD4+ CD28+, CD8+ CD28+, CD4+ CD25+); IgG, IgG4, T-IgE и S-IgE иммуноглобулинлар концентрациясини аниқлаш.

Жигар гидатидоз эхинококки мавжуд беморларни даволашнинг бевосита натижаларини баҳолаш учун назорат гуруҳида ҳам, асосий гуруҳида ҳам биз томонимиздан такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётининг табиати мезонлари, жарроҳликдан кейинги умумий ва маҳаллий асоратлардан иборат градацион шкала қўлланилди.

Жигар гидатидоз эхинококки мавжуд беморларда даволашни ва ҳаётлари сифатини узоқ муддатли натижаларини ўрганиш учун назорат гуруҳида ҳам, асосий гуруҳида ҳам биз томонимиздан такомиллаштирилган жарроҳлик амалиётининг табиати мезонлари, жигарда қолдиқли бўшлиқ, касаллик якуни, прогнози, жорий вақтдаги меҳнатга лаёқати, ҳаётининг фаоллиги, саломатлигини қабул қилиниши, ўз ҳаёти сифатини баҳолаш ва оиладаги ўзаро муносабатларидан иборат бўлган градацион шкала қўлланилган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium-IV персонал компьютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан ва Windows учун BioStat дан фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Назорат гуруҳидаги беморларда жигар эхинококкозини даволаш усуллари”** деб номланган учинчи бобда назорат гуруҳи беморларида жигар эхинококкозини даволашнинг анъанавий услубларини қўллашда олинган натижаларнинг таҳлилига бағишланган. Мазкур бобда даволашни натижаларини кейинги таҳлили билан назорат гуруҳи беморларининг умумий тавсифи келтирилган.

Назорат гуруҳига жигар гидатидоз эхинококкози мавжуд 298 нафар бемор киритилди, улар 2010 йилдан 2023 йилгача бўлган давр мобайнида даволанган. 41-60 ёшдаги аёллар миқдори уствор бўлган. Касаллик табиатига кўра, жигар эхинококкозини бирламчи шакли уствор миқдорда бўлган (75,8%), қайталанувчи (15,4%) ва резидуал (8,7%) шакллари – кам миқдорда бўлган. Жигар эхинококкозини солитар шакллари (61,1%) кўпсонли шакллари (38,9%) юқори бўлган. 49% ҳолатда жигар эхинококкозини киста йиринглаши кўринишидаги асорати (53,4%), киста йиринглаши ва жигар ички ўт йўлларида ёрилиши ҳамда холангит ва сариқ касал ривожланиши (37%), эхинококк кистасини йиринглаши ва плеврал бўшлиққа ёрилиши ҳамда плевра эмпиемасини ривожланиши (6,2%), кистани эркин қорин бўшлиғига ёрилиши ва перитонит ривожланиши (2,1%), кистани йиринглаши ва бронхиал дарахтга ёрилиши (1,4%) кўп учраган.

Очиқ эхинококкэктомия 80,9% ҳолатда кузатилган. Жигарни қолдиқли бўшлиғини капитонаж йўли орқали ва ташқи дренаж қўллаган ҳолда олиб ташлаш усули (62,2%) кўп қўлланилган. Жарроҳликдан кейинги даврда қуйидаги асоратлар кузатилган: яра йиринглаши (8,4%), экссудатив плеврит (7,7%), ўткир бронхопневмония (5,7%), плевра эмпиемаси (5%), ярани лигатура оқмаси ҳосил бўлиши (4,7%), ўт оқмаси ҳосил бўлиши (4,4%),

жигар қолдикли бўшлиғи абсцесси (3,7%), яра инфилтрати (3,4%), сепсис (3,4%), серома юзага келиши (3%), пешобни ўткир тутилиши (2,3%), яра чеккалари некрози ва ички аъзолар эвентрацияси (2%), қовурға остеомиелити (1,7%), перитонит (1,7%), жигар етишмовчилиги (1,7%), тери ости гематомаси (1,3%), миокард инфаркти (1%), қорин ички қон кетиши (0,7%), мия қон айланишининг ўткир бузилиши (0,7%), ўткир буйрак етишмовчилиги (0,7%).

Жарроҳликдан 3-12 ой ўтгач, жигар қолдикли бўшлиғи мутлақ редукцияси рўй бериши 78,5-95,6% беморда кузатилган. Бу давр оралиғида яна 6 бемор вафот этди (2%). Касаллик қайталаниши 10,4% ҳолатда ташхисланган, резидуал кисталар эса 7,4% ҳолатда аниқланган.

Шу тариқа, бугунги кунга келиб, жигар эхинококкозини ташхислашда қийинчилик деярли қолмаган. Бунда, агар ултратовуш тадқиқоти (С.Votezatu et al., 2018), ва компьютер томографияси (М.А.Lantinga et al., 2013) қўлланилиши кистоз ҳосилаларни мавжудлигини аниқлашга ёрдам берса, клиник ва лаборатор маълумотлар жигар эхинококкози ташхисини яқуний аниқлаш имконини беради (Н.Wen et al., 2019). Буна асосий ўрин иммунологик тестлар ва намуналарга, ҳамда қонни алоҳида кўрсаткичларига ҳам берилади (J.Knapp et al., 2022). Бироқ, тасдиқланган стандартлар ва регламентлар шартини тўлиқ ақс эттирувчи, даволашнинг замонавий услубларини қўллашда ҳам, жарроҳлик амалиётини бажаришда маромига етказилган жарроҳлик усулларини қўлласак ҳам, афсуски, биз ҳар доим ҳам ижобий натижалар ололмаслигимиз мумкин. Ҳалигача маҳаллий, ҳамда умумий характердаги жарроҳликдан кейинги асоратлар юқори даражадасакланиб қолмоқда, бу эса ногиронлик миқдорининг ўсиши ва жигар эхинококкози бўлган беморлар орасида ўлим даражасини ортишига олиб келади. Жарроҳликдан кейинги асоратлар тузилмасини баҳолашда биз томонимиздан салбий оқибатларнинг частотаси устувор келиши аниқланди, улар яллиғланиш ва диссеминацияловчи табиатга эга бўлган. Бунда, эхинококкоз юзага келиш патогенезида организмни иммунологик тизимини бузилишини ақс эттирган, организм сенсibiliзацияси ва қабул қилмаслик билан боғлиқ адабиёт маълумотларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиётни мазкур соҳасида тадқиқотлар етарли эмаслигини тахмин қилиш мумкин (J.Stefaniak et al., 1997; Т.Т.Ciftci et al., 2021). Даволашни бевосита даволаш вақтидаги ҳам, жигар эхинококкэктомиясини узоқ муддатли давридаги ҳам салбий натижалари кўпинча иммунологик ўзгаришларни баҳолаш усулини йўқлиги билан боғлиқлиги биз томонимиздан исботланди.

Диссертация ишининг **“Жигар эхинококкозининг клиник-лаборатор, биокимёвий ва бирламчи иммунологик кўрсаткичларининг хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида жигар эхинококкозининг клиник-лаборатор, биокимёвий ва бирламчи иммунологик аломатлари хусусиятларига бағишланган. Бу ерда жигар эхинококкозини умумий клиник ва биокимёвий лаборатор аломатлари хусусиятлари тавсифи, жигар эхинококкози мавжуд беморларда яллиғланиш маркерларини ўзгаришларини тавсифи берилган. Жигар эхинококкози мавжуд беморларда ҳужайравий ва

гуморал иммунитетни бирламчи лаборатор кўрсаткичларида рўй берган ўзгаришларнинг хусусиятлари алоҳида келтирилган.

CD8⁺ Т-киллер хужайраларини ўртача миқдори назорат гуруҳини барчаа беморларида 1 мкл қонда 621,92±231,16 хужайрани ташкил қилди. Бунда максимал миқдор касалликни қайталанувчи шакли бўлган беморларда кузатилган (1 мкл қонда 713,27±186,82 хужайра), минимал миқдор эса – жигарни бирламчи эхинококкози бўлган беморларда бўлган (1 мкл қонда 516,84±103,17 хужайра). Тирик эхинококкози мавжуд беморларда CD8⁺ Т-киллер хужайраларини қиёсий таҳлилида 1 мкл қонда 522,32±116,52 хужайра, ўлик эхинококкозда – 1 мкл қонда 628,97±219,65 хужайра, асоратли шаклида – 1 мкл қонда 714,48±276,33 хужайра ташкил қилган. Бунда агар ўлик эхинококк мавжуд беморларда.

CD8⁺ Т-киллер хужайралари миқдори тирик паразити мавжуд беморларга нисбатан ошган ва 1 мкл қонда 106,65±45,53 хужайрани ташкил қилган бўлса, касалликни асоратли шакли мавжуд беморларда эса 1 мкл қонда 192,16±36,14 хужайрани ташкил қилган. CD8⁺ Т-киллер хужайралари миқдорини ошишида энг кичик фарқ ўлик ва асоратли паразитлар орасида бўлди (1 мкл қонда 85,51±25,33 хужайра). Жигар эхинококкозини асоратли шакллари бўлган беморларда CD8⁺ Т-киллер хужайралари миқдорининг ўсишини қиёслашда асоратсиз шаклидагига нисбатан 2,25 мартани ташкил қилди ($p<0,05$). Тирик ва ўлик паразити бўлган беморлар орасида CD8⁺ Т-киллер хужайралари миқдорининг қиёсий таҳлили фарқланишни максимал даражаси резидуал шаклларида аниқлангани маълум бўлди (1 мкл қонда 166,38±41,74 хужайра). Шу билан бирга, жигар эхинококкозини асоратли шакллари бўлган беморларда тирик ва ўлик паразитни суммар миқдори билан қиёслашда хужайралар миқдорини максимал ўсиш даражаси касалликни қайталанувчи шакли бўлган беморларда аниқланган (1 мкл қонда 623,96±211,53 хужайра). Келтирилган маълумотлар Т-киллерларнинг жигар эхинококкозини яллиғланишли ёки бошқа турдаги асоратларининг ривожланишидан дарак беради. Бунда, тирик ва ўлик паразит билан клиник ҳолатларнинг зарарланиш табиатига кўра бирлашувчи, Т-хелперлар даражаси тескари йўналишда ўзгаради, айниқса яллиғланиш табиатида, асоратларсиз бўлади.

IgA нинг қондаги максимал миқдори биз томонимиздан жигар эхинококкозини асоратли шакллари бўлган беморлар орасида аниқланди (2,94 марта; $p<0,05$). Бунда бу кўрсаткичнинг чўкки кўрсаткичи жигар эхинококкозини қайталанувчи асоратли шакли бўлган беморларга тўғри келган (3,14 мартага ошган; $p<0,05$).

IgM ни ўртача миқдори аввалги иммуноглобулинга деярли ўхшаш бўлган. IgM ни IgA га қараганда, нисбатан паст ўртача кўрсаткичига қарамай, жигар эхинококкозини қайталанувчи шакли бўлган беморларда умумий нисбий ўсиши кузатилган. Бунда жигар эхинококкозини қайталанувчи шакли бўлган беморларда IgM ни юқори даражаси (3,23 марта; $p<0,05$) касалликни муддати давомийлиги ва қайта ривожланишига асосланган. IgM ни жигар эхинококкози мавжуд беморларда миқдорини паразит ҳаёт фаолиятига

боғлиқ фарқи ортиб борган. Хусусан, ўлик паразит мавжуд беморларда IgM ни қондаги титри $0,28 \pm 0,1$ г/л га ошган ($p < 0,05$).

Жигар эхинококкози беморларида IgG ни ўртача даражаси $13,01 \pm 2,35$ г/л ни ташкил қилган. Бунда мазкур иммуноглобулин титрининг максимал чўққи кўрсаткичи касалликнинг қайталанувчи шакли мавжуд беморларга тўғри келган ($15,71 \pm 3,11$ г/л), минимали эса – жигар эхинококкозини бирламчи шаклига тўғри келган ($9,15 \pm 1,08$ г/л; $p < 0,05$). Касалликнинг шаклига боғлиқ ҳолда, IgG нинг жигар эхинококкозини асоратли шакли бўлган беморлар қонида ўртача юқори титрини ($14,6 \pm 3,52$ г/л; $p < 0,05$) ва тирик паразитли шаклида патологик жараённинг асоратсиз ҳолатида ($13,41 \pm 2,72$ г/л; $p < 0,05$) юқори титрни аниқлаш мумкин. Ўлик паразит ҳолатида IgG нинг титри миқдори оралиқ нисбатда бўлган ва ўртача $11,03 \pm 3,12$ г/л ($p < 0,05$) ни ташкил қилган.

Қонда айланувчи иммун комплексларнинг тадқиқотида кўра, жигар эхинококкози мавжуд беморлар қонидаги миқдори $117,35 \pm 39,12$ оптик бирликни ташкил қилган. Жигар эхинококкозини бирламчи шакли беморларида ўртача $97,69 \pm 25,62$ оптик бирликни ташкил қилади, резидуал шаклида - $119,17 \pm 27,13$ оптик бирлик, қайталанувчи шаклида эса - $135,19 \pm 23,43$ оптик бирликни ташкил қилади. Бу маълумотлар айланувчи иммун комплексларни кумулятив табиатидан дарак беради. Қонда айланувчи иммун комплексларнинг концентрацияси ортиши касалликни қайталанувчи шакли бўлган барча беморларда аниқланган. Бунда минимал даража тирик паразитли беморларга, максимал эса – касалликни асоратли шакли бўлган беморларга тўғри келган (1,99 мартага ошган). Касалликни асоратли ва асоратсиз шакллари мавжуд бўлган беморлар орасида қиёсий фарқланиш патологик жараённинг асоратли шакли фойдасига ортишини кўрсатди ($144,56 \pm 41,45$ оптик бирликка ортган; $p < 0,05$). Мазкур тоифада ўртача фарқланиш $83,96 \pm 21,76$ оптик бирликни ташкил қилган ($p < 0,05$).

Шу тариқа, жигар эхинококкози бўлган беморларда лаборатория кўрсаткичларини дастлабки кўрсаткичларини баҳолаш натижасида, биринчи навбатда асоратли ва асоратсиз шакллари бўлган беморлар орасида дифференцияланган кўрсаткичларни кўриш мумкин. Шунингдек, жигарда бузилишларни тавсифловчи, ўт ҳосил бўлиши (жигар сариқ касаллиги), ҳамда унинг пассажи (механик сариқ касаллиги) билан боғлиқ биокимёвий кўрсаткичларни алоҳида белгилаб ўтиш керак.

$CD4^+/CD8^+$ ҳужайраларни жигар эхинококкозини турли шакллари бўлган беморлар қонидаги нисбатини қиёсий таҳлил қилишда максимал фарқ (1,37 марта) жигар эхинококкозини бирламчи шакли бўлган беморларда аниқланган, минимали – касалликни қайталанувчи шаклида аниқланган (1,06 марта). Яъни, жигар эхинококкозини қайталанувчи шакли бўлган беморларда Т-хелперлар миқдори ўсиши Т-киллерларни тўпланиши билан ёндош кечган ($r=0,729$). Ўрганилаётган Т-лимфоцитлар ўзгаришининг бундай табиати касалликни асоратли шакли бўлган беморлар орасида ҳам кузатилган (0,84 мартага). Т-лимфоцитлар субпопуляциясини миқдори ўзгаришидатекари корреляцион фарқланиш ($r=-0,611$) жигарда тирик эхинококкоз беморларида

хам кузатилган (1,54 марта). Тирик ва ўлик эхинококкозли беморларда Т-лимфоцитлар миқдори бўйича фарқланиш аҳамиятсиз бўлган.

Жигар эхинококкозини асоратли шакли бўлган беморларда сенсбилизациянинг ўсишида аниқладик. Бироқ, агар IgG даражасини қиёслаш керак бўлса, тирик ва ўлик паразитли беморлар орасида ўлик паразитли беморларда IgG титрининг $9,06 \pm 2,43$ г/л ($p < 0,05$) га камайиши аниқланган бўлса, касалликни резидуал ва қайталанувчи шаклларида титрни ишончли пасайиши кузатилган. Айнан шу ҳолат, жигарни тирик ва ўлик, асоратсиз эхинококкози бўлган беморларда IgG нинг паст дифференциацияланган кўрсаткичларига олиб келган. Жигарда бирламчи эхинококкози мавжуд беморларда IgG ўсиши кўрсаткичлари касалликни ташхислашда яққол аҳамиятга эга бўлди.

Диссертация ишининг **“Жигар эхинококкозининг турли тажрибавий моделларида хужайравий ва гуморал иммунитетни ўзгаришларининг хусусиятлари”** деб номланган бешинчи бобида жигар эхинококкозининг турли тажрибавий моделларида хужайравий ва гуморал иммунитетни ўзгаришларининг хусусиятларига бағишланган. Мазкур боб бир неча бўлимдан иборат, уларда жигар гидатидоз эхинококкозини асоратли ва асоратсиз йирингли-септик жараёнларининг тажрибавий моделларини ишлаб чиқиш акс эттирилган. Муносиб тажрибавий моделлар олинганидан сўнг, йирингли-септик жараён билан асоратланган ва асоратланмаган жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделининг ривожланиш динамикасида хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини миқдорий ўзгаришларини аниқлаш тадқиқотлари ўтказилди. Боб жигар эхинококкозини турли моделларида хужайравий ва гуморал иммунитет ўзгариши қонуниятларининг тажрибавий асосланиши билан яқунланган.

Тадқиқотнинг 20 кунига келиб, тажрибаларни асосий сериясига олинган ҳайвонлар CD4+CD28+ Т-хужайраларини миқдори $27,49 \pm 1,12\%$ дан $46,93 \pm 3,91\%$ ($p < 0,05$) гача кескин ошиб кетди. Бунда қиёсий сериядаги кўрсаткичлар тажрибани назорат серияси кўрсаткичларига яқин бўлган ($27,55 \pm 2,32\%$). CD4+CD25+ Т-хужайралари тадқиқотида ҳам худди шундай манзарага эга бўлди (ўсиш $3,77 \pm 0,42\%$ дан $7,98 \pm 0,39\%$ гача ташкил қилди) ($p < 0,05$). Жигар гидатидоз эхинококкозини моделланган шаклини 40 кунига келиб, текиширлаётган Т-хужайраларнинг йиғинди миқдори ўсиб борди. CD8+CD28+ га нисбатан назорат гуруҳи ҳайвонларида етакчи кўрсаткичларни белгилаш мумкин ($15,72 \pm 1,41\%$). CD4+CD25+ Т-хужайраларнинг ўзгаришлари динамикасига келсак, уларни интакт ҳайвонлар ($3,95 \pm 0,35\%$) ва қиёсий гуруҳ қуёнлари ($5,22 \pm 0,13\%$) орасидаги секин-аста ўсишини белгилаш мумкин, тажрибаларни асосий сериясидаги ўсиш ($27,94 \pm 1,15\%$) га тенг бўлди. Жигар гидатидоз эхинококкозини моделланган кистасини 80 кунига келиб, CD4+CD28+ Т-хужайралари устун келди ($55,82 \pm 5,42\%$). CD4+CD28+ Т-хужайраларининг ўртача миқдори $17,21 \pm 2,64\%$ га тенглаштирилди, CD4+CD25+ Т-хужайралари эса - $28,11 \pm 2,32\%$.

Йирингли-септик жараён билан асоратланган жигар гидатидоз

эхинококкозани моделини 3 кунда, қолган ўрганилаётган кўрсаткичларнинг камайиши фонда, CD8+CD28+ Т-хужайраларини $17,96 \pm 3,11\%$ гача ўсиши рўй беради. Кейинги босқичларда Т-хужайралар фоизли микдорининг ўртача даражаси CD8+CD28+ ($18,32 \pm 2,15\%$) ва CD4+CD25+ ($24,62 \pm 1,51\%$) орасида аниқланди. Мазкур мувозанат касалликни асоратли шакли бўлган хайвонларда максимал яқинлашган, асоратсиз жараёнли хайвонларда эса рақамлардаги фарқланишлар сезиларли юқори даражада бўлди ($p < 0,05$).

Бактериал инфекциясининг киритилишида йирингли-септик асоратни сохта моделида ўрганилаётган кўрсаткичларнинг корреляцион нисбати ўзгариб турди, бунда тубдан фарқланди. Демак, мисол учун, CD8+CD28+ ва CD4+CD28+ ($R = -0,919$) тескари корреляцион боғлиқлигида ўсиш давом этган. CD4+CD25+ ва CD4+CD28+ ($R = -0,989$) кўрсаткичларини тескари корреляцион боғлиқлиги намоён бўлди ва ўзини максимал белгисига етди. Бу носпецифик бактериал инфекцияга организмни иммун жавобини тавсифлайди. Бизни фикримизни тўғрилигини CD4+CD25+ ва CD8+CD28+ ($R = 0,871$) орасидаги корреляцион боғлиқлик кўрсаткичи бўйича исботлаш мумкин, у паст тескари корреляцион боғлиқликдан юқори бевосита боғлиқликка ўтади.

Йирингли-септик асоратсиз жигар гидатидоз эхинококкозани моделлашда барча кўрсаткичларни корреляцион белгилари мутлақ тўғри боғлиқни намоён қилди. Т-хужайралар сурункали яллиғланиш жараёни шароитида ўз иммун жавобини кучайтириб, динамикада экспрессив характерни намоён қилади. Хужайравий иммунитет кўрсаткичларининг юқори корреляцион аҳамияти Т-хужайраларини барча ўрганилаётган популяциялари орасида юқори тўғри боғлиқлиги билан аниқланган. Максимал аҳамият ($R = 0,996$) CD4+CD25+ ва CD4+CD28+ ўзгаришлари орасида қайд этилган. CD8+CD28+ и CD4+CD28+ динамикаси орасидаги корреляцион боғлиқлик ҳам худди шундай даражада бўлган ($R = 0,992$).

Жигар гидатидоз эхинококкозани тажрибавий моделини бажариш динамикасида IgE $77,53 \pm 13,11$ МЕ/мл дан $330,19 \pm 44,91$ МЕ/мл гача ўсиб борган ($p < 0,05$). Жигар гидатидоз эхинококкозани тажрибавий моделини йирингли-септик жараён билан асоратланмаган шаклида IgG ни қондаги микдорининг ўсиши $164,92 \pm 24,17$ МЕ/мл гача етган, тажрибани қиёсий сериясига қиёслашда ($98,15 \pm 13,68$ МЕ/мл) назорат серияси кўрсаткичларига нисбатан кучлироқ намоён бўлган ($87,10 \pm 13,01$ МЕ/мл). Интенсивлиги бўйича қиёсий гуруҳга қиёслашда ($2,23 \pm 0,12$ МЕ/мл) IgG4 нинг тажрибанинг назорат сериясини ўхшаш жараёни билан қиёслашда ишончли кўрсаткичлар ($0,44 \pm 0,08$ МЕ/мл) ($p < 0,001$) қайд этилган.

Жигар гидатидоз эхинококкозани моделлаш қонда IL-8, IL-9, IL-10 ва IFN- γ цитокинларни ўсишига олиб келди. Бундай 10 баробар кўп ўсиш биз томонимиздан қайд этилди: IL-9 га нисбатан назорат гуруҳи хайвонларида моделлашни 40 кунда ($p < 0,001$); IL-8, IL-9 ва IL-10 га нисбатан хайвонларни назорат гуруҳи билан солиштиришда моделлашни 80 кунда ($p < 0,001$); ва IL-9 ни қиёслаш гуруҳига нисбатан моделлашни 80 кунда қайд этилди ($p < 0,001$).

Жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий ҳосил қилинган шаклининг 80 кунда CCL20 (LARC) даражаси ўзгаришлари назорат гуруҳи билан қиёсланганда 11,03 мартага ($p < 0,05$) катта фарқланишларни қайд этдик. Тажрибавий моделни ҳосил қилишни 40 кунда бу фарқланиш назорат гуруҳи билан қиёшлашда 5,84 марта ортганини намоён қилган бўлса-да, фарқланишларнинг худди шундай шакли (7,48 мартага ортиши) биз томонимиздан қиёсий гуруҳга нисбатан ҳам қайд этилди ($p < 0,05$). CCL22 (MDC) ни ошишидаги кучли фарқланиш патологик жараёни 80-кунда тажрибани назорат гуруҳи билан қиёшлашда қайд этилди. CCL13 (MCP-4) ошишини деярли ўхшаш характери жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделининг йирингли-септик асоратсиз шакли ҳосил қилинишини 40-80 кунда биз томонимиздан қайд этилган (5,71 ва 5,47 марта; $p < 0,05$). CCL18 (PARC) ни ортишида стабил кўтарилиш патологик жараёни моделлашнинг барча босқичлари давомида 3,42 дан 3,53 гача баробар қайд этилган ($p < 0,05$). Бунинг фонида CCL17 (TARC) ўзгаришларининг паст аҳамияти қайд этилди, у мазкур хемокинлар фаоллигининг аввалига ошиш сўнг регресси билан фарқланган.

Жигар гидатидоз эхинококкози моделланган йирингли-септик жараён билан асоратланган тажрибавий модели бўлган ҳайвонларни гуморал иммунитетидеги ўзгаришлар TNF- α маҳсулининг суммар кўрсаткичларидаги 86,51 мартага кескин кўтарилиш ($p < 0,001$) билан намоён бўлди. S-IgE (9,94 мартага), CCL20 (LARC) хемокинлари (6,52 мартага) ва IL-10 цитокинлари (5,77 мартага) каби гуморал иммунитетнинг бундай кўрсаткичлари бўйича ишончли фарқланишларни ($p < 0,01$) алоҳида айтиш керак, улар йирингли-септик жараёнда ўз аҳамиятини чегаралаб ётади. Гуморал иммунитет кўрсаткичларидаги, биз томонимиздан қабул қилинган минимал t-белгига мувофиқ бўлган ишончли фарқланишлар, $p < 0,05$, йирингли-септик жараён қўшилиши шarti билан, IgG4 га нисбатан қайд этилди (4,01 мартага), IL-12 (3,86 мартага), IFN- γ (3,68 мартага), IL-8 (3,6 мартага), IL-9 (3 марта), IgG (2,65 марта), CCL22 (2,54 марта) ва CCL13 (2,11 мартага).

Шу тариқа, моделланган жигар гидатидоз эхинококкозини ҳамма муддатларида CD4+CD28+ни мутлақ ва ишончли ошиши кузатилган ($p < 0,05$). CD4+CD25+ миқдорининг ўсиши моделланган патологик жараёни кечки муддатларида қайд этилди. Шу билан бирга, бунинг фонида CD8+CD28+ миқдорини пасайиши ҳам кузатилди, бу ҳолат периферик қоннинг моноклеар ҳужайраларида дифференциалланган ўзгаришлардан дарак беради. CD4+CD25+ ва CD8+ CD28+ Т-ҳужайраларини фоизли даражадаги кучли намоён бўлган фарқи жигар гидатидоз эхинококкози бўлган ҳайвонларда қайд этилган бўлиб, касалликни 7-14 кунда бактериал инфекция қўшилишида прогрессив жиҳатдан камайиб борди. Бу ўз навбатида нафақат паразитар инфекциянинг, балки бактериал инфекциянинг ҳам ҳужайравий иммун тобелигини сезувчанлиги ҳақида дарак беради.

Жигар гидатидоз эхинококкозини йирингли-септик асоратларсиз шаклининг моделланиши IL-12 ва TNF- α дан ташқари, ўрганилаётган цитокинларни кескин кўтарилишига олиб келди, IL-12 ва TNF- α патологик

ҳолатни оғирлиги ривожланишига қарамай кескин пасайиб борган. Хемокинлар таркибида рўй берадиган ўзгаришлар ҳамма вазиятда эмас, лекин йирингли-септик жараён билан асоратланган жигар гидатидоз эхинококкози ривожланишида ўхшаш табиатга эга бўлган, бироқ ҳамма ҳолатда ҳам CCL20 (LARC), CCL13 (MCP-4) ва CCL22 (MDC) ни миқдори прогрессив ўсиши қайд этилган.

Жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий моделини ҳосил қилиниши организм ҳимоя реакциясини ўзига хос иммун жавобга ўзгартириб, лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессиясига олиб келади, иммун жавоб жараёни ташкил бўлиши ва ҳимоявий қатлам ҳосил бўлиши учун Т-ҳужайраларни фаоллиги билан тавсифланади. Бироқ организмнинг мазкур жавоб реакцияси иккиламчи, носпецифик бактериал инфекцияни таъсири остида иммун белгисини табиатини ўзгартирди, уни кейинги таҳлилда кўриб чиқиш мумкин. Жигар гидатидоз эхинококкозини йирингли-септик асорати кўринишида патологик жараёнинг оғирлашиши организмни юқори сенсibiliзацияси фонида, иммунологик жавоб реакциясини кучайтириб, Т-лимфоцитларнинг параллел, ҳамда тескари жараёнларини ривожланишига олиб келади. Бу ўз навбатида макроорганизмни иммунологик реакциясини қайта қурилишига олиб келиб, Т-лимфоцитларни ўрганилаётган барча ҳужайравий популяциясига юкланишига сабаб бўлади.

Диссертацион ишнинг **“Жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлашда ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини аҳамиятини клиник-тажрибавий асосланиши”** деб номланган олтинчи бобида жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлашда ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини аҳамиятини клиник-тажрибавий асосланишига бағишланган. Бунинг учун жигар гидатидоз эхинококкозида организмнинг ҳужайравий-гуморал иммунологик жавоб реакциясининг шаклланишида қонуният ҳосил бўлади, бу ерда жигар гидатидоз эхинококкозида ҳужайравий-гуморал иммунологик жавоб реакцияси ўзгаришини клиник-тажрибавий асоси келтирилди. Бу якуний натижада бизга жигар гидатидоз эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини башоратлаш услубларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Тадқиқотларга кўра, жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий модели бўлган ҳайвонларда IgG4 нинг прогрессив жавобан ўсиши кузатилади. Организмни бундай жавоби Th₂-туридаги цитокин жавоб реакцияси билан қувватланган. Йирингли-септик асоратлар қўшилишида мазкур иммуноглобулин ўсиши икки баробар ортган. Бу эхинококкоз тармоқланган ҳужайраларининг мембранаси антигенларини таъсирга организмни хос жавоб реакциясига асосланган. Бу жараён негизида эхинококк тармоқли личинкаларини таркибий қисмидан стимулловчи антигенлар мавжуд. Биз томонимиздан ўтказилган кўпомилли таҳлилга кўра, жигар гидатидоз эхинококкозининг жадаллашиши шароитларида иммун жавобнинг Т-ҳужайралари, хусусан организмни Th₂ жавоб реакцияси етакчи

ўринни тутади.

Жигар эхинококкозини регрессив шакли бўлган беморларда Th₁ иммун жавоби Т-хужайраларининг устуворлиги аниқланган. Бунда касалликнинг жадаллашиши, эхинококкозни диссеминацияси ва резидуал шакллариининг ривожланиши организмни Th₂ жавоб реакцияси билан давом этган. Тажрибавий тадқиқотларни натижаларига кўра, жигар гидатидоз эхинококкозини ривожланиш динамикасида CD4+CD28+ ва CD4+CD25+ ни ўсиши қайд этилган. CD25+ Th₁-, ҳамда Th₂-хужайра-хелперларда ҳам индукцияланиши сабабли, шунингдек, фаоллашган В-хужайралар, дендрит хужайралар ва моноцитлар каби эффектор хужайраларни бошқа популяцияларида иштирок этгани сабаб, бу натижаларни тасдиқлаш учун цитокинларнинг хужайра ички профилланиши билан бирга, деталли тадқиқотлар CD25+ экспрессиянинг юқори ва паст даражаларини қамраб олиши керак.

Биз томонимиздан аниқланишича, Th₂ турида IL-8, IL-9, IL-10, IFN-γ цитокинлари маҳсули организмни жавоб реакцияси кўринишида рўй беради. Бироқ йирингли-септик асоратлар ривожланиши ҳолатида кўрсатилган цитокинларнинг 2-5 мартдан кўп ўсиши содир бўлган. Ушбу ўсиш қон периферик моноклеар хужайраларини паразитар антигенлари стимулланиши туфайли рўй берган. Бошқача айтганда, жараён динамикаси мазкур цитокинлар, айниқса, даражаси 5 баробар ортган IFN-γ га нисбатан сезувчанликнинг кучайишига олиб келган.

Жигар гидатидоз эхинококкозини динамикадаги ривожланишида CCL17 (TARC) фаоллашиши пасайиши фониди, тартибга солинаётган хемокинлар CCL13 (MCP-4), CCL18 (PARC), CCL20 (LARC) ва CCL22 (MDC) активаторлари индукцияси содир бўлади. Хемокинлар, кўриниб турибдики, бу вазиятда Th₂-хужайраларнинг жавоб реакциясини ривожланишига сабабчи бўлган, Th₁-цитокин туфайли рўй берган гранулематоз яллиғланишга сабаб бўлган, ҳамда уларни экспансиясини чақирган. CCL17 (TARC) даражаси одатда Th₁ турига манчуб яллиғланишли реакцияларда ортади, айниқса, ўткир фазаларда, бироқ йирингли-септик жараён қўшилган шароитларда унинг кўрсаткичлари нейтрал бўлади ва деярли стимуляцияга эҳтиёж бўлмаган, бу ҳам Th₁-хужайраларнинг паст аҳамиятидан дарак беради.

Шу тариқа, жигар эхинококкози бўлган беморларда хужайравий-гуморал иммунитетни ўрганилаётган кўрсаткичларида рўй берган ўзгаришлар даражасини дифференциаллаб баҳолаш яна бир бор бизнинг дастлабки тажрибавий тадқиқотларимизни тасдиқлади ва уларни жигар эхинококкозининг асоратлари, шу жумладан, йирингли-септик асоратларни башоратлаш мезонларидан бири сифатида белгилаш мумкинлигига гувоҳлик қилади.

Олинган клиник ва тажрибавий маълумотларни қиёслаганда ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўзгаришларида хос эгри динамика аниқланган, жигарга эхинококкни гидатидоз кистасининг инвазияси оқибатида, улар хужайра экспансиясига гуморал жавоб реакциясини акс

эттирди.

Ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларининг кўпомилли корреляцион таҳлилини ўтказиш ва жигар гидатидоз эхинококки кечишини вариантлари орқали, биз томонимиздан жигар гидатидоз эхинококкозини йирингли-септик асоратлари ривожланишини башоратловчи мезонлар ишлаб чиқилди. Бундай бузилишлар патогенези асосида специфик иммунологик супрессивликнинг маълум даражаси ётади, у нафақат жигар гидатидоз эхинококкозининг ривожланиши, балки унинг йирингли-септик асоратларига ҳам олиб келади.

Барча олинган иммунологик маълумотларни қийслаб, уларнинг корреляцион алоқаси ва арифметик фазовий даврларини ташкил қилиш ҳажми бўйича тавсифини кўшиб, биз томонимиздан иммунологик супрессивлик даражасига асосланган йирингли-септик асоратларни башоратловчи усул ишлаб чиқилди. Бунда иммунологик супрессивлик даражалари I-III даража кўринишидаги градацион кўрсаткичларга эга бўлган (компенсацияланган, субкомпенсацияланган ва декомпенсацияланган).

Жигар эхинококкозида иммунологик супрессивлик бўйича ишлаб чиқилган шкала ҳар бир кўрсаткич учун рақамли даражаси бўлиб, у биз томонимиздан балларда белгиланди ва зарарланиш даражасига боғлиқ ҳолда 0-100 балл оралиғида бўлган.

Диссертация ишининг **“Жигар эхинококкози йирингли-септик асоратларини олдини олиш усулларини танлашнинг клиник-иммунологик асосланиши”** деб номланган еттинчи бобида жигар эхинококкози йирингли-септик асоратларини олдини олиш усулларини танлашнинг клиник-иммунологик асосланишига бағишланган.

Иммунологик супрессивликни компенсацияланган даражаси жигар гидатидоз эхинококкозининг асоратланмаган шакли бўлган 104 нафар беморда аниқланган. Бунда 33,7% ҳолатда (35 нафар бемор) SE-4 мавжуд беморлар, 27,9% ҳолатда (29 бемор) – CL мавжуд беморлар, 26,9% ҳолатда (28 бемор) – SE-3 мавжуд беморлар, 10,6% ҳолатда (11 нафар бемор) – SE-1 ва 1% (1 бемор) – SE-2 бемори бўлган.

Иммунологик супрессивликнинг субкомпенсацияланган даражаси 50% ҳолатда (12 бемор) SE-1 нинг ултратовуш аломатларига эга бўлган, 37,5% ҳолатда (9 бемор) – SE-2 беморларига, 8,3% ҳолатда (2 бемор) – CL беморлари ва 4,2% ҳолатда (1 бемор) – SE-3 беморлари учун жигар гидатидоз эхинококкозига хос бўлган.

Иммунологик супрессивликни декомпенсацияланган даражаси биз томонимиздан асосан (93,3%) жигар гидатидоз эхинококкози SE-2 ни ултратовуш аломатлари бўлган беморларда ташхисланган. Фақатгина жигар гидатидоз эхинококкозини SE-1 ултратовуш аломатлари бўлган битта беморда (6,7%) иммунологик супрессивликни декомпенсацияланган даражаси аниқланган.

Шу тариқа, иммунологик супрессивликни компенсацияланган даражаси жигар гидатидоз эхинококкозини шаклланиб келаётган ва ўлик паразитли шакллари бўлган беморлар учун хос бўлган, иммунологик супрессивликни

субкомпенсацияланган даражаси – жигар гидатидоз эхинококкозни тирик фаол паразити бўлган беморларга хос бўлган, иммунологик супрессивликни декомпенсацияланган даражаси – жигар гидатидоз эхинококкозни тирик фаол кўп камерали паразити бўлган беморлар учун хос бўлган.

Жигар гидатидоз эхинококкозини асоратли шакли бўлган беморлар орасида иммунологик супрессивликни меъерий ва компенсацияли белгилари биз томонимиздан аниқланмаган. Аксарият ҳолларда (58,94%) биз томонимиздан иммунологик супрессивликнинг декомпенсациялаган ва камроқ миқдорда (41,06%) – субкомпенсациялаган даражаси аниқланган.

Иммунологик супрессивлик даражасидаги ўзгаришлар ва жигар гидатидоз эхинококкозини клиник-лаборатор аломатлари бўйича ўтказилган қиёсий таҳлилларга ҳулоса ўрнида, биз шуни белгилаб ўтишимиз мумкинки, мазкур касалликда йирингли-септик асоратларнинг маълум шаклини мавжудлиги ва унинг тизимли яллиғланиш реакцияси синдроми кўринишидаги намоён бўлиши бемор аҳволини объектив баҳолашга асосланмайди.

Мазкур фикр назаримизда, барвақт тайёр бўлган, жигар гидатидоз эхинококкозининг ривожланишига олиб келган иммун супрессияга асосланади, негаки бизни тажрибавий маълумотларимиз кўрсатишича, унинг ривожланишига, ва намоён бўлишига, Th₂ ҳужайравий тури бўйича кечган, жавоб иммун тизимини заифлашиши талаб этилади. Цитокинемия ривожланиши ҳолатида ҳам хатто, йирингли-яллиғланиш жараёнини клиник манзараси касалликни содир бўлаётган иммунологик аломатларини акс эттирмайди.

Организмни фақатгина Th₁ ҳужайравий жавоб реакциясига ўтиш паразит ва унинг тармоқли кисталарини халок бўлиши ва деструкция ўчоғини калцинацияси ривожланишига сабаб бўлувчи иммунологик жавобнинг компетент кўринишига ўтишига олиб келади. Организм иммунологик реакциясининг Th₁ жавоб реакциясини ҳужайравий турига ўтиши содир бўлаётган бузилишларни коррекцияси асносида бўлиши керак. Демак, иммунологик супрессивликни коррекциялаш бўйича профилактик тадбирларнинг қўлланилиши жигар гидатидоз эхинококкоз беморларини даволаш натижаларининг яхшиланишига ёрдам берган.

Тажрибавий тадқиқотларнинг ўтказилиши орқали биз организмни жавоб иммунологик реакциясида иммуноглобулинлар, хусусан G, етакчи ўринда эканини исботладик, иммуноглобулинлар эхинококкоз мембранаси антигенлари билан таъсирланиб, организмнинг ҳужайравий-гуморал механизмини маълум тури бўйича жавоб реакциясини ишга туширадilar.

Шу билан бирга, йирингли-септик асоратларда, деструкция ўчоғи сақланиб қолган бўлса, детоксикация ва аниқланган иммун бузилишлар коррекциясига йўналтирилган барча ўтказилган тадбирларни уларнинг паст самарадорлиги туфайли бесамар деб ҳисоблаб ўтиш зарур.

Шу муносабатдан асосий гуруҳ беморларида даволаш-ташхислаш чора-тадбирлари тактикасини алгоритми биринчи босқичда беморларни дифференциаллаш орқали жигар гидатидозэхинококкозини асоратли кечиши

ва асоратсиз кечиши билан намоён бўладиган кичик гуруҳларга тақсимлашга асосланган. Беморда жигар гидатидоз эхинококкозини асоратли шакли бўлганда, аъзо ва тизимларни зарарланишини тури ва табиатини аниқлашга қаратилган муолажалар бажарилган ва якуний ташхис верификацияси ўтказилган (расм 1). Асосий урғу жарроҳлик олди босқичини муддатини қисқартириш ва жарроҳлик аралашувини беморни тайёрлагач, қисқа муддатларда бажаришга берилган.

Жарроҳликдан кейинги даврда дарҳол иммунологик супрессивликнинг даражасини баҳолаш муолажалари ўтказилган, албатта бу чора кейинги даволаш муолажаларини тактикасини аниқлаб берган.


Имунологик супрессивликнинг компенсацияли даражасида иммун тизимни алоҳида коррекцияси талаб этилмади. Антибактериал, дезинтоксикацион ва умумий мустаҳкамловчи даволашдан иборат бўлган умумқабул қилинган терапия ўтказилди. Шу билан бирга, мақсадга йўналтирилган антипаразитар кимётерапия ҳам ўтказилди.

Субкомпенсацияли иммунологик супрессивликда жарроҳликдан кейинги эрта даврда антибактериал, дезинтоксикацион ва умумий мустаҳкамловчи терапиядан иборат муолажалар бажарилди. Бироқ шу билан бирга, мақсадли иммунмодуляция ўтказиш орқали (тимоиметиклар, антитана ва фагоцитоз ҳосил қилиш стимуляторлари) иммунологик супрессивликнинг коррекцияси ҳам талаб этилди.

Имунологик супрессивликни компенсацияли даражасига эришиш учун мақсадга йўналтирилган антипаразитар кимётерапия ўтказиш бошланган. Жарроҳликдан кейинги эрта даврда иммунологик супрессивликни декомпенсацияланган даражасида детоксикацион терапиянинг иккинчи даражаси амалга оширилди, у плазмафарез, гемосорбция, детокс эритмаларининг инфузиясидан иборат бўлди. Шунингдек, метаболик ва антиоксидант воситалари ҳам киритилди. Иммунологик супрессивликни коррекциялаш мақсадида, жарроҳликдан кейинги эрта даврда ўрин босувчи иммунтерапия ўтказилди (иммуноглобулинлар, алфа интерферон, тимоиметиклар, Ронколейкин).

Даволаш тадбирларига бундай ёндашув иммунологик супрессивликни субкомпенсацияли ва компенсацияли даражаларига эришишгача ўтказилди, унинг фонида мақсадга йўналтирилган антипаразитар кимётерапия ўтказилган.

Жигар гидатидоз эхинококкозини асоратсиз шакли бўлган беморларда биринчи босқичда организмни иммунологик супрессивлиги даражасини аниқлаш ва паразитар кистани ривожланиш босқични ташхислаш ўтказилган. Иммунмодуляция ва ўрин босувчи иммунтерапиядан иборат барча тадбирлар жигар гидатидоз эхинококкозини асоратли шаклида худди ўша чизма бўйича ўтказилди.



1 расм. Жигар гидатидоз эхинококкозиди асоратли ва асоратсиз шаклларида даволаш-ташхислаш тактикаси алгоритми

Бироқ, касалликни кечишини асоратли вариантдан фарқли ҳолда, асоратсиз шаклида жарроҳлик амалиёти иммунологик супрессивликни компенсацияли даражасига эришилганида бажарилган, бу даражага эришиш учун юқорида кўрсатилган даволаш-ташхислаш алгоритми бажарилган.

Мақсадга йўналтирилган антипаразитар кимётерапияни ўтказгач, 30 кун давомидида иммунологик супрессивликни даражасини қайта ташхислаш амалга оширилди.

Диссертацион ишни “Жигар эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган клиник-иммунологик усулларини қўллаш самарадорлигини баҳолаш”

деб номланган саккизинчи бобида жигар эхинококкозининг йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган клиник-иммунологик усулларини қўллаш самарадорлигини баҳолашга бағишланган.

Жарроҳлик амалиётларининг асосий улуши ёпиқ идеал эхинококкэктомиядан иборат бўлди, у назорат гуруҳи беморларига нисбатан 2,1 марта кўп бажарилган. Асосий гуруҳда беморларда жарроҳликдан кейин жигарда қолдиқ бўшлиғини тўлиқ ликвидацияси 1,2 марта кўпроқ қайд этилган бўлса, бўшлиқнинг тўлиқ редукцияси 22,2% беморда қайд этилган.

Организмни иммунологик реакциясини коррекциялаш бўйича мақсадга йўналтирилган таъсир натижасида асосий гуруҳ беморларида дренаж олиб ташланганидан сўнг, жигарда қолдиқли бўшлиқни сақланиб қолиш частотаси 1,7 мартага камайишига, йирингли-септик асоратларни 6,8 мартага камайишига эришилди. Энг катта натижа – қовурға остеомиелитини юзага келиш частотасининг камайиши (4,5 марта) ва жигар қолдиқли бўшлиғини абсцесслари ҳосил бўлишида (3,3 марта) эришилди. Ичак ва ўт йўллари оқмаси ҳосил бўлишиназорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ беморларида 2,9 мартага кўп бўлган (4,4% дан 1,5% гача).

Ички аъзоларнинг эвентрацияси ҳолатлари 1,8 мартадан, яъни 2% дан 1,1% гача камайган. Шу билан бирга, асосий гуруҳ беморлари перитонит ва қорин ички қон кетиши каби йирик асоратлардан омон қолдилар, бу асоратлар назорат гуруҳида 2,4 % ҳолатда қайд этилган.

Шу тариқа, ушбу солиштирма таҳлилдан кўриниб турибдики, биз томонимиздан йирингли-септик асоратларни башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари тўқималарни тиклаш тизимини таъсирлантириб, организмни иммунологик супрессивлигини коррекциясини ўтказгач, регенератив хоссаларини яхшилаш, жарроҳликдан кейинги босқичда кўпинча ўлим ҳолатига олиб келадиган мураккаб асоратлар ривожланишини олдини олишга имкон берди.

Умумий жарроҳликдан кейинги асоратлар асосий гуруҳ беморларида 3,8% ҳолатда кузатилди. Асосий гуруҳ беморларида жарроҳликдан кейинги умумий асоратларсиз даражага 1,3 марта кўп эришилди.

Умуман олганда, биз томонимиздан ишлаб чиқилган даволаш-ташхислаш алгоритминини қўллаш натижасида, назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳ беморларида даволашнинг яхши натижалари миқдорининг 30,9% дан 35,1% гача ошиши, қониқарли натижаларни 53,4% дан 56,4% гача ошиши ва қониқарсиз натижаларни 14,8% дан 8,1% гача, ўлим ҳолатини эса – 1,0% дан 0,3% гача пасайтириш имконини берди.

Шу тариқа, биз томонимиздан йирингли-септик асоратларни башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган услубларини қўллаш назорат гуруҳи беморларига нисбатан умумий частотани 2,8 мартага, яъни 28,2%дан 10,1% гача камайишига сабаб бўлди, бу ҳолат биз томонимиздан ишлаб чиқилган чораларнинг юқори самарадорлигига гувоҳлик қилади. Шунингдек, жарроҳликдан кейинги асоратлар тузилмаси ўзгаришини белгилаб ўтиш керак, унда йирингли-септик асоратларнинг камайиши аниқ кузатилади.

Беморлар кузатувини 3 ойга келиб, қолдиқ бўшлиғини тўлиқ облитерацияси 86,8% беморда рўй берган. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган даволаш-ташхислаш алгроитмининг самарадорлиги резидуал эхинококкози ривожланишини паст частотаси ва кузатувни узоқ муддатли даврида давомида касаллик қайталаниши йўқлиги билан тасдиқланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Жигар гидатидоз эхинококкозини ташхислаш ва даволашни замонавий услубларини қўлланилишига қарамай, назорат гуруҳи беморларини даволашдан олинган бевосита натижалар бўйича ўтказилган ретроспектив таҳлилига кўра, афсуски, ҳозирга қадар сақланиб турган қониқарсиз натижалар ва ўлим ҳолатларни юқори даражаларини намоён қилди (14,8% ва 1% мос равишда). Узоқ муддатли даврда 10,4% беморда касалликнинг қайталаниши, 7,4% да – резидуал кисталарнинг борлиги аниқланди. Узоқ муддатли кузатувда жарроҳликдан кейинги давр давомида жарроҳликдан кейинги асоратларнинг ривожланиши туфайли 6 нафар бемор вафот этди.

2. Жигар гидатидоз эхинококкози беморларида қоннинг клиник-лаборатор, биокимёвий ва бирламчи иммунологик кўрсаткичлари ўзгариши бўйича бажарилган таҳлили гомеостатик жараёнларнинг фаоллашиши ҳақида ҳулоса қилишга имкон берди, бунда бирламчи иммунологик кўрсаткичларга муҳим ўрин берилади. Бироқ, бу маълумотлар иммунологик жавоб реакциясининг қайта тузилиш механизмини тўлиқ акс эттиролмади, шу муносабатдан кундалик клиник амалиётда улар клиницистлар эътиборидан тушиб қолади. Т-лимфоцитлар, цитокинлар ва хемокинларни ўзаро нисбатига бағишланган мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар талаб этилади, улар паразит инвазияси, ҳамда йирингли-септик асоратлар ривожланишига жавобан организмда рўй бераётган мураккаб иммунологик реакцияларнинг кетма кетлигини акс эттира олади.

3. Жигар гидатидоз эхинококкозини тажрибавий модели ҳосил қилиниши Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг дифференциалланган экспрессиясига олиб келади, бунда организмни ҳимоя реакциясини ўзига хос иммун жавобга қайта шакллантиради, бу ҳолат эса жараён ташкил этилиши ва ҳимоя қатлами шаклланиши учун Т-ҳужайраларининг фаоллашиши билан тавсифланади. Бироқ, организмнинг мазкур жавоб реакцияси иккиламчи, носпецифик бактериал инфекцияси таъсири остида ўзига хос иммун изини ўзгартиради. Гуморал иммунитет кўрсаткичлари патологик жараённинг чуқурлашиш динамикасида паст корреляцион алоқаси билан тавсифланди, бу ҳолат ССL17 ва ССL18, ҳамда ССL13 ва ССL17 хемокинларига нисбатан намоён бўлди. Организмнинг асосий жавоб реакцияси бу ҳолатда цитокинлар туфайли содир бўлади.

4. Ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўзаро нисбати жигар гидатидоз эхинококкозида иммунологик супрессивлик ривожланишини 3 фазасига ажратиш имконини беради (организмни компетент бўлмаган иммун жавоби). Биринчи фазаси (компенсацияли) IFN- γ ва IL-9 цитокинларини ишончли ўзгаришлари билан тавсифланади, улар

жигарда паразитни инвазияси ва ўсиши учун шароит яратувчи иммуносупрессив ҳолатни маркери сифатида хизмат қилади. Иккинчи фазаси (субкомпенсацияли) IL-8 ва IL-10 цитокинлари корреляцион кўрсаткичлари, ҳамда Т-хужайралар фаоллигини пасайиши билан тавсифланади, бу ҳолат касаллик зўрайишини билдиради. Учинчи фаза (декомпенсацияли) йирингли-септик жараёнда етакчи ўринни эгаллайдиган лимфоцитлар ва бошқа ҳужайралар ҳисобига цитокинлар маҳсулини кучайтирувчи Т-хужайраларини ўсиши кучайиши билан тавсифланади.

5. Организм иммунологик реакциясининг жавоб реакциясини Th1 ҳужайравий турига ўтиши рўй бераётган бузилишларнинг коррекциясининг приоритетида бўлиши керак. Бунда бу реакция ривожланишида G иммуноглобулинини ишлаб чиқарилиши даражаси муҳим ўрин тутуди, негаки у эхинококкоз мембранаси антигенлари билан ўзаро таъсирланиб, ҳужайравий-гуморал механизмни маълум турига кўра организмни жавоб реакциясини ишга туширади. Шу билан бирга, йирингли-септик асоратлар бўлган вазиятда, деструкция сақланиб турган шароитда, детоксикация ва аниқланган иммун бузилишларнинг коррекциясига қаратилган барча ўтказилаётган муолажаларни, уларнинг паст самарадорлиги туфайли бесамар деб талқин қилиш мумкин.

6. Жигар гидатидоз эхинококкозини асоратли шакли бўлган беморларда асосий урғу жарроҳликдан аввалги муддатларни қисқартирилишига берилади. Жарроҳликдан кейинги даврда даволаш муолажаларини тактикасини белгилаб берувчи иммунологик супрессивлик даражаси баҳоланади. Жигар гидатидоз эхинококкозини асоратсиз шакли бўлган беморларда биринчи босқичда организмни иммунологик супрессивлигининг даражаси билан солиштириш орқали паразитар кистани ривожланиш фазасини ташхислаб олиш зарур. Бироқ, касалликни асоратли шаклини кечишига қараганда, асоратсиз шаклида жарроҳлик аралашуви фақатгина иммунологик супрессивликни компенсацияли даражасига эришилганидагина бажарилади.

7. Жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган клиник-иммунологик услубларини қўллаш уларнинг юзага келиш частотасини 28,2%дан 10,1% гача камайишига ёрдам берди. Назорат гуруҳини беморларига нисбатан, даволашни яхши ва қониқарли натижалари бўлган беморлар миқдорининг 7,2% га ортишига, даволашни қониқарсиз натижалари ва ўлим ҳолати бўлган беморлар миқдори, мос равишда 1,8 ва 3 мартага камайишига эришилди.

8. Жигар эхинококкозини йирингли-септик асоратларини башоратлаш ва олдини олиш бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган, иммунологик супрессивлик даражасини аниқлаш ва унинг коррекциясида таргет усулларини қўллашга асосланган услубларни қўлланилиши даволашдан кейинги узок муддатли кузатувларда натижаларнинг яхшиланишини 2,1 мартага ва беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳамда тадқиқот якунида эришилган яхши натижаларни 99,7% гача ортишига имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

САФАРОВ СУННАТУЛЛА САТОРОВИЧ

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ИСХОДА И ПРОФИЛАКТИКИ ГНОЙНО-
СЕПТИЧЕСКИХ ОСЛОЖНЕНИЙ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ**

**14.00.27 – Хирургия
14.00.36 – Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

САМАРКАНД – 2024

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2024.1.DSc/Tib 1003.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.sammu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научные консультанты:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
доктор медицинских наук, профессор

Абдурахманов Мамур Мустафаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Курбаниязов Зафаржон
доктор медицинских наук, профессор

Глабай Владимир Петрович
доктор медицинских наук, профессор

Татаурщикова Наталья Станиславовна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Дагистанский государственный медицинский университет (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2024 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 при Самаркандском государственном медицинском университете (Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Амира Темура 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирована № ____). Адрес: 140100, Республика Узбекистан, г. Самарканд, ул. Амира Темура 18. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2024 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2024 года).

Н.Н.Абдуллаева

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.В.Шмырина

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

З.Б.Курбаниязов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Эхинококкоз, являясь паразитарным заболеванием, все еще продолжает оставаться серьезной проблемой не только в медицинской, но и в народнохозяйственной системе. Характерной чертой эхинококкоза, определяющее его актуальность, является признание ее проблемой во многих странах мира в связи с большим числом больных и существованием эндемических районов. Не исключением является и регионы нашей страны, в особенности области с приоритетной животноводческой сферой деятельности. Известно, что эхинококк у человека чаще поражает печень, легкие, органы брюшной и забрюшинного пространства. На сегодняшний день «...хирургические методы лечения эхинококкоза остаются единственными надежными...»³.

Такое утверждение было неоднократно отражено в резолюциях ряда международных симпозиумов и конференций. Между тем результаты операции не всегда можно признать утешительными. Все еще остается высокий процент послеоперационных осложнений, львиную долю которых (до 32,8%) занимают гнойно-септические. Статистические сведения различных литературных источников представляют данные о высокой частоте развития таких осложнений, как нагноение, кровотечение, образование свищей, рецидив заболевания.

В нашей стране среди осуществляемых широкомасштабных мер по усовершенствованию системы здравоохранения, особое внимание обращается на раннюю диагностику заболеваний, снижение частоты их осложнений и профилактику. В связи с этим в 56-пункте 4-раздела в 7 приоритетных направлениях, указанных в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи, в «...реализация комплексных мероприятий, направленных на охрану здоровья населения, повышение потенциала медицинских работников и реализацию программы развития системы здравоохранения на 2022-2023 годы»⁴. В этом плане обозначены задачи по коренному усовершенствованию комплекса мероприятий системы здравоохранения. Улучшение результатов лечения больных эхинококкозом печени, основаны на оптимизации прогнозирования и профилактики гнойно-септических осложнений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализацией Указа президента Республики Узбекистан № 6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, УП № 60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28 января 2022 года, № 4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» от 12 ноября 2020 года,

³ З.А.Азиззода, К.М.Курбонов, К.Р.Рузбойзода [и соавт.] Значение лабораторных показателей в диагностике осложнённого эхинококкоза печени // Вестник Авиценны. – 2019. – Т. 21, № 4. – С. 655-660.

⁴Указ Президента Республики Узбекистан ПП-№60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

ПП № 4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 йил а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствия исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁵.

Исследованиями направленными на исследования клиничко-иммунологических аспектов прогнозирования и профилактики гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени занимаются и продолжают проводить научные исследования ведущие мировые научные центры и высшие учебные заведения, такие как: National Institute of Diabetes and Digestive and Kidney Diseases, University of California (АКШ); South Bohemian University, Institute of Microbiology Czech Academy of Sciences (Чехия), University Medical Center Utrecht, University of Groningen (Нидерландия), University of Korea (Корея), National Yang-Ming University (Таиланд), Universidade Estadual Paulista, Universidade Federal de Minas Gerais (Бразилия); University of Nottingham (Великобритания), Medical University of Warsaw (Польша); Medizinische University Wien (Австрия); Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology (Германия); University of Tokyo (Япония); Instituto de Salud Carlos III (Испания); University of Perugia (Италия); Qingdao University (Хитой); National University of Ireland (Ирландия); Skane University, University of Lund (Швеция); ФГБУ НМИЦ хирургии имени А.В.Вишневского (Российская Федерация); Республиканский специализированный специализированный научно-практический центр хирургии имени академика В.В.Вахидова; Бухарский государственный медицинский институт; Ташкентская медицинская академия (Узбекистан).

Анализ научно-исследовательских данных развитых стран мира показал высокую степень актуальности и экономической значимости данной проблемы.

Высокая распространенность заболевания, особенно среди лиц наиболее трудоспособного возраста, высокая частота послеоперационных осложнений, что в итоге негативно сказывается на качестве жизни больных, свидетельствует об актуальности и значимости проблемы лечения гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени.

Степень изученности проблемы. Развитие гнойно-септических осложнений эхинококкоза и эхинококкэктомии приводят к значительному увеличению продолжительности лечения, росту частоты инвалидности и

⁵Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации разработано по следующим сайтам www.lstmed.ac.uk, www.otago.ac.nz, www.ufl.edu, www.snu.ac.kr, www.ibis-sevilla.es, www.ox.ac.uk, www.umd.edu, www.unimelb.edu.au, www.uzh.ch, www.auf.edu.ph, www.lshtm.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.duke.edu, www.nibmg.ac.in, www.nie.gov.in, www.sanger.ac.uk, www.cgu.edu.tw, www.infectology.uz

летальности, которая в среднем варьирует в пределах 7,2-10,8% (Н.Б.Касыев и соавт., 2021). В этой связи прогнозирование и профилактика осложнений в хирургии эхинококкоза легких и печени все еще остается далеко не решенной и актуальной.

Известно, что эхинококк, развиваясь в организме человека, который выступает в роли промежуточного хозяина, существенно влияет на перестройку иммунной системы (А.И.Мусаев и соавт., 2018). Механизм этих изменений на сегодняшний день изучены недостаточно. Многие сведения относительно иммунной ответной реакции организма на инвазию эхинококка разнонаправленные, порой даже противоречивейшие друг-другу. Существует мнение о том, что, попадая в организм эхинококк стимулирует иммунную систему хозяина. Это проявляется развитием ряда клеточных и гуморальных реакций. Наравне с этим имеются сведения относительно угнетения иммунитета. Сторонники данной теории утверждают, что подавление защитных механизмов хозяина как против их собственных антигенов (гомологичная иммунодепрессия), так и антигенов других инфицирующих организмов агентов (гетерологичная иммунодепрессия) (М.Ж.Алиев и соавт., 2021).

В литературе нет данных о влиянии исходных изменений иммунологического статуса больных эхинококкозом на частоту и тяжесть развития гнойно-септических осложнений и динамики изменения иммунологических показателей в послеоперационном периоде.

Послеоперационные гнойно-септические осложнений в хирургии эхинококкоза печени отличаются крайней тяжестью, существующие методы их профилактики малоэффективны. Оценка существующих и разработка новых способов прогнозирования развития возможных гнойно-септических осложнений, которая важна для эффективной и рациональной реабилитации больных эхинококкозом, могли бы значительно улучшить результаты лечения больных с эхинококкозом внутренних органов человека. Все выше представленное и определило основное направление данной работы (Г.Д.Одишелашвили и соавт., 2020).

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проведено в рамках плана научно-исследовательских работ Бухарского государственного медицинского института (B2024.DSc/Tib.1003). «Раннее выявление, диагностика и разработка новых методов лечения и профилактики патологических факторов, влияющих на здоровье населения Бухарского региона в пост COVID-19 ном периоде» (2022-2026 гг.).

Цель исследования. Улучшение результатов лечения больных с эхинококкозом печени путем определения роли и места иммунопатогенетических аспектов в прогнозировании и профилактике гнойно-септических осложнений при данном заболевании.

Задачи исследования:

провести ретроспективный анализ эффективности результатов

традиционных методов лечения эхинококкоза печени;

выявить особенности клинико-лабораторных, биохимических и первичных иммунологических проявлений гидатидозного эхинококкоза печени у больных контрольной группы;

определить особенности изменения клеточного и гуморального иммунитета при различных экспериментальных моделях гидатидозного эхинококкоза печени;

предоставить клинико-экспериментальное обоснование значимости показателей клеточного и гуморального иммунитета в прогнозировании гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени.

предоставить клинико-иммунологическое обоснование выбора методов профилактики гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени.

разработать дифференцированные алгоритмы прогнозирования и профилактики гнойно-септических осложнений при различных формах эхинококкоза печени.

провести сравнительную оценку эффективности применения разработанных клинико-иммунологических методов прогнозирования и профилактики гнойно-септических осложнений эхинококкоза печени.

Объект исследования. Материалом для исследований послужили данные комплексного обследования и лечения 594 больных с эхинококкозом печени и 45 беспородистых кроликов.

Предмет исследования: общий и местный клинический статус больных и экспериментальных животных, клинико-лабораторные показатели крови, первичные и углубленные показатели клеточного и гуморального иммунитета, данные визуальных методов диагностики.

Методы исследования. В работе использованы клинические, иммунологические, биохимические, морфологические, ультразвуковые, рентгенологические, аналитические и статические методы исследования.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

Доказано, что несмотря на применение современных методов диагностики и лечения гидатидозного эхинококкоза печени до их пор результаты лечения больных можно считать не утешительными, что обусловлено сохранением высокого удельного веса рецидива заболевания и потребность в применении повторных хирургических вмешательств.

Впервые выявлено, что при воспроизведении экспериментальной модели гидатидозного эхинококкоза печени происходит дифференцированная экспрессия субпопуляций Т-лимфоцитов, которая преобразует защитную реакцию организма в специфический иммунный ответ, для формирования защитного слоя печени. В условиях присоединения неспецифической бактериальной инфекции теряется тандемная связь между клеточным и гуморальным иммунитетом, в большей степени за счет хемокинов, основную определяющую роль ответной реакции организма, в данном случае, берут на себя цитокины, это приводит к развитию иммунологической супрессивности.

Впервые обосновано, что соотносительность показателей клеточного и

гуморального иммунитета при гидатидозном эхинококкозе печени, может проявляться в виде 3 этапов ее развития (компенсированная, субкомпенсированная и декомпенсированная), с глубокой потерей ответной реакции иммунологической компетенции.

Разработан новый способ прогнозирования гнойно-септических осложнений гидатидозного эхинококкоза печени, позволяющий диагностировать степень иммунологической супрессивности, выбор тактики и условий проведения лечения, условий и хронологий проведения динамического контроля.

Разработаны новые лечебно-диагностический алгоритмы комплексного лечения больных с различными формами гидатидозного эхинококкоза печени, основанные на диагностике степени иммунологической супрессивности и включает в себя иммунокоррекцию и заместительную иммунную терапию.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

